

2021 йилнинг 8 ойида энг кўп қўйилган исмлар маълум қилинди



11:13 / 06.09.2021 5317

Давлат хизматлари агентлигининг маълум қилишича, 2021 йилнинг январь-август ойларида ФХДЁ органлари томонидан Ўзбекистонда яшовчи бошқа миллат вакилларининг умумий 54660 та туғилиши қайд этилган. Шундан 23329-Тожиқ, 8598-Қозоқ, 3611-Қирғиз, 2665-Туркман, 1907-Рус, 1477-Татар, 684-Уйғур, 503-Корейс, 353-Эрон, 226-Турк миллатига мансубдир.

Ўзбекистонда яшовчи тожиқ миллатига мансуб қардошларимиз орасида қайд этилган даврда туғилган чақалоқларнинг 639 нафарига Муҳаммадали, 385 нафарига Мустафо исми берилган.

Қолган миллатлар орасида энг кўп қўйилган исмлар:
Қозоқ чақалоқларга Алихан;

Татар чақалоқларга Амир;
Корейс чақалоқларга Марк;
Уйғур ва Туркман чақалоқларга Мухаммад;
Қирғиз чақалоқларга Солиха;
Рус чақалоқларга София номлари кўп танланган.